✓ Таклиф

# МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

## *Уни такомиллаштириш зарур*

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи мақомини тўғри белгилаш, турли тоифага мансуб кишиларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билиш қонунларни тўғри қўллашга хизмат қилади. Қолаверса, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, кундалик қонунларни амалга оширишда ҳам меҳнат ҳуқуқи моҳиятини тўғри тушуниш асосий ўрин тутади.

Меҳнатга оид қонун ҳужжатларининг амалиёти соҳага доир меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш ва қуйидаги вазифаларни ҳал этишни тақозо қилмоқда.

**Биринчидан**, жамиятда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари қонунчилик ҳамда ҳуқуқий тартиботни таъминлашнинг энг муҳим шарти — ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишдан иборат бўлиши лозим. Чунки ўз ҳуқуқларини билмайдиган, ҳуқуқий онги ва маданияти паст бўлган фуқаролар яшайдиган жамиятда ҳуқуқий давлат барпо этиш қийин кечади.

**Иккинчидан,** фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янада аниқлаштириш йўли билан уларнинг меҳнат-ҳуқуқий муомала лаёқатини ошириш лозим. Жумладан, 18 ёшга тўлмаган шахслар ҳуқуқларини янада самаралироқ ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг меҳнат-ҳуқуқий муомала лаёқатига таалluқли масалалар умумфуқаролик қонунчилик талабларига мувофиқлаштирилиши, яъни меҳнат соҳасида уларнинг ота-оналари, ҳомий ёки васийлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқ кўрсатиб қўйилиши керак.

**Учинчидан,** меҳнат қонунчилиги талабларини бузган ходимлар ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказгани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кенгайтирилиши, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шу масалаларга оид аниқ ҳолатларни назарда тутувчи моддалар киритилиши лозим.

**Тўртинчидан,** фуқаро жиноят содир этгани учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилишининг оқибатлари анча жиддий бўлиб, кўпчилик ҳолларда бу ходимнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий лаёқатининг чекланишига сабаб бўлади. Аммо бу ҳақда Меҳнат кодексида ҳам, бошқа меҳнат қонунларида ҳам ҳеч нарса дейилмаган. Шу сабабли, Меҳнат кодексида муайян ҳуқуқлардан суднинг ҳукмига биноан маҳрум қилинган шахсларнинг кўрсатиб қўйилган лавозим ва касбларда ишлашларига йўл қўймасликни таъминловчи махсус норма ишлаб чиқилиши, суднинг ҳукмига хилоф равишда муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилинган фуқарони ишга қабул қилган мансабдор шахснинг ҳамда ана шундай ҳуқуқдан маҳрум этилганлигини қасддан яширган ходимнинг аниқ ҳуқуқий жавобгарлиги кўрсатиб қўйилиши шарт.

**Бешинчидан,** бизнинг назаримизда, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш аҳволи, бу соҳада йўл қўйилаётган камчилик ва муаммолар Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан аниқланиши лозим. Уларни бартараф этиш фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини тўсқинликларсиз амалга оширилишини таъминлаш, меҳнат қилиш соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларнинг кафолатланишига эришиш юзасидан Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмалари қабул қилиниши лозим.

**Олтинчидан,** хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахсларнинг мамлакатимиз ҳудудидаги ҳуқуқий мақомини белгилашда халқаро ҳуқуқий актларнинг аҳамияти каттадир, аммо шу билан бирга бу вазифа асосан Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги воситасида амалга оширилади. Шу сабабли, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахсларга доир Ўзбекистон Республикаси махсус қонунининг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундай қилинса, чет эл фуқароларининг ҳуқуқий мақоми, жумладан, меҳнат ҳуқуқи мақоми ҳам аниқ белгиланиб, турли англашилмовчиликларга ўрин қолмасди.

Ушбу тавсия ва таклифларни ҳаётга татбиқ этиш мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнига ижобий таъсир этади.

**Мақсуд ПЎЛАТОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти стажёр-тадқиқотчиси**

✓ Ўқув



# САВОЛЛАРГА НАВБАТ ЕТМАДИ

Бу галги оммавий ахборот воситалари ходимларининг навбатдаги ўқуви қизиқарли ва долзарб мавзуга бағишланди. Унда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислоҳотларнинг бориши таҳлил этилди. Ахир, коммунал хизмат деганда, тирикчилик учун зарур бўлган барча юмушлар — электр ва газ билан таъминланишдан тортиб лифтнинг ишлаши-ю, ичимлик сувининг сифатигача қамраб олинса, бепарво қолиш мумкинми? Шу туфайли "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ва Молия вазирлиги мутасаддиларига кутилганидан кўп савол тушди. Барибир коммунал хизмат тўловларининг қандай асосларга кўра ошиб бораётгани-ю, уларнинг аҳоли даромадлари билан нечоғлик уйғунлиги, ҳозиргача тўланмаган 50 миллиард сўмдан ортиқ қарз қандай қопланиши муаммолари очиқ қолди. Ўқув анча фаоллик билан ўтди, вақт тиғизлигидан кўплаб саволларга навбат етмай қолди.

**МУХБИРИМИЗ**

✓ Мушоҳада

***Тентакни қочган тарафига қув.***
*Бир идорадаги ёзув*

Чапақай девдек одам. Бўй — 198, оғирлиги 130 атрофида. Бир ўтиришда 2 кило гуручнинг ошини, 6 кило қўй этини кўрдим демайди. Агар қайрағочнинг сояси, сувнинг бўйи бўлса, биров елпиб турса, 30 чойнак чойни чанқовбосди қилади. Савлат ҳам обрў экан, ишхонада ҳамма ундан ҳайиқади, "Полвон ака", деб гирдикапалак бўлади. У бирон ишни қойилмақом қиладими-йўқми, ишга келиб юрса бўлди. Мабодо, бир зум кўринмай қолса, худди хонадан катта диванни чиқариб кетган-у, курсичалар сарак-сарак тизилиб тургандек ҳаммаёқ ҳувиллаб қолади. Шу одам бошлиқдан ёлчиган. Кўплар "Бошлиқ билан Чапақайни параддан ўтказиш керак, шунда одамлар филни етаклаб кетаётган фаллаҳни кўргандек, роса қийқириб кулишади", деб ҳазиллашади. Яъники, Чапақай қанча улкан бўлса, бошлиқ шунча митти, лекин "Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни" қабилидан. Яна уни айримлар "бурга" деса, айримлар "ари" дейди.

Чапақай майда одам. Бир умр қорин ташвишида яшаб келди. Унинг жаҳли, исёнкорлиги, ғурури ҳам шу даражада. Дунёни сув босса ҳам кулбаси ғарқ бўлмаса — бўлди. Шу илинжда бошлиқнинг силташларига, иддаоларига чидаб келади, энгашиб туфлисини артишдан, бўйнини эгиб елкасини тутишдан ор қилмайди. Баъзан шу гавда билан букилишларини, ялтоқланишларини, кўзига ғилт-ғилт ёш олиб туришларини кўрган ҳамкасблари "Полвон, гавдани кўтаринг", деса, "Нима қилай, бола-чақамнинг ризқини бериб турибди-ку", деб жўлаяди.

Яқинда шу одам "синди".

* * *

***(Русчадан таржима)*** "Хемингуэй Торонтога халқаро даражадаги йирик журналист шуҳрати билан қайтди. Бироқ у энди дўстлари ишлаётган "Стар уикли" ҳафтаномаси эмас, кундалик "Стар" газетаси ихтиёрида эди. Хемингуэй Европада кечирган йиллар давомида бу газетадаги муҳит кескин ўзгарган эди. Газетага амалда нашр эгасининг қизига уйланиб олган бош муҳаррир ўринбосари, қандайдир Гарри Хайндмарш раҳбарлик қиларди.

Хайндмарш ўз табиатига кўра антиқа одам эди. У мустақил фикрловчи, ўз нуқтаи назарига эга одамлардан қўрқарди ва нафратланарди, раҳбариятга қарши борадиган, дадил ва ҳаракатчан журналистларнинг попугини пасайтириб қўйиш орзуси билан яшарди. Ўз ваколатидан фойдаланиб, бундай репортёрларни "бутаб туриш"ни, "тагига босиб олиш"ни яхши кўрар, негаки унга талантли одамлар эмас, яхши топшириқ, ёғли хизмат сафари, мансабини кўтариш илинжида қўлига қараб турадиган итоатгўй ижрочилар керак эди.
Хайндмарш ҳали Хемингуэйни кўрмасдан ўзича Европадаги эркинликдан тантиқланиб кетган мухбирнинг ўзига ёқмайдиган журналистлар тоифасидан эканлигига қатъий ишонган эди. Шунинг учун у Хемингуэйни "синдириш" кераклигини қатъий ҳал қилди.

*(Б. Грибанов. "Хемингуэй", 1970 й., 169-70-бетлар).*

* * *

Тасаввур қилинг: ташқарида ёзнинг чилласи, қуёш ҳарорати айни забтига олган. Сизга эса... ташқарида қаҳратон совуқ, деб сингдиришган. Сиз ҳаётий кўникмаларингиз билан аёзни, унинг таъсирини ва унга қарши инсоннинг акс таъсирини тарозига қўясиз ва агар сафарга чиқмоқчи бўлсангиз (ахир одам ҳаётининг бутун борлиғи ўз моҳияти билан сафар-ку), шунга яраша тайёргарлик кўрасиз. Иссиқ кийимлар киясиз, қулоқчинни бостириб оласиз, икки қават пайтава ўрайсиз ва...

Бу мулоҳазаларни ўқиб, нозокатли муштарий мулоҳаза юритиши ва ичида заҳархандa қилиши мумкин: "Шунчалик галварслик бўладими? Наҳот ёз билан қишни ажратиш шунчалик қийин бўлса?!" Шўришлар ичидаги одам эса унга қарши шундай дейди: "Шунчалик меровлик бўладими? Барча туйнуклар тақа-тақ бекитилган бўлса, кеча билан кундузни ҳам фарқлай олмай қолсан-ку?"

Шундай қилиб, гуппидай кийиниб олган одам саратонда сафарга чиқади ва юз қадам юрмай қулайди. У амалда синади, терлаб, нафаси қайтиб, бўғилиб, ўладиган бўлиб қолади.

Ёки, аксинча, қиш кунида худди ёздагидек, ярим яланғоч йўлга тушган одам ҳам кўп ўтмай тарашадек қотади ва совуқ урган дарахт бутоғидек ... синади. Боз устига совуқ ашаддий кучли ва найзадек изғирин эсиб турган бўлса-чи? Бечора йўловчининг ҳолига "вой", минг "вой"!

* * *

Пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонлар тушган автобус тўйхонага етиб келганда вақт алламаҳал бўлган, одамлар тарқалиб, фақат хонадон соҳиблари ва уларнинг яқинлари наҳорги ош ташвишида куймаланиб юришарди.

Автобус эшиклари очилгач, узоқ йўлда диққан йўловчилар пўртанаси атрофга ёйилиб кетди. Ҳадемай чилдирманинг жаранги ва Жаннатойнинг ўйноқи лапарлари уйқудаги қишлоқ осудалигини чилпарчин қилиб ташлади.

Пойтахтдан ташриф буюрган нозиктаъб (асосан, ижодкорлардан иборат) меҳмонлар




"Тўй — тўйдек бўлиши керак" деб, беш соатлик йўлда куй-қўшиқнинг роса машқини олишган, илк учрашув саҳнаси обдон пишитилган, унда "Гала-концерт" намойиш этишга, яъни ҳамма (ҳайдовчигача) ўйнаб-куйлашга келишилган эди. Бу асъаса ўн минутлар давом этди. Унда меҳмонлар қанча жазава ва шовқин намойиш этган бўлсалар, меҳмонлар шунча хижолат ва ҳайратда эдилар. Пойтахтдан анчайин сипо, босиқ, "культурний" одамларни кутган қишлоқилар зикр тушиб, қийқираётганлар олдида тамом лолу ҳайрон, улар ўзларини "Энди тўй-да" деб-гина овутардилар, холос. Оммавий саҳна тугаб, юбилярни қутлаш бошланди. Ҳамма Гулузорийни бағрига босиб қучар ва, албатта, истисносиз ялтироқ бошидан ўпарди. Лутфлар ҳам бир оҳангда эди: "О, бу олтин бош", "Фикрлар омбори", "Олтмиш йилни ёритган маёқ". Шундай қилиб, жиндай олим, шоир ва журналист Гулузорийнинг олтин тўйи бошланиб кетди.

Меҳмонлар дастурхонга таклиф қилинди. Бир қараганда курсиларнинг омонатгина қўйилгани-ю, чойшабларнинг наридан-бери ёзилганини пайқаб олиш қийин эмас эди. Гулузорий меҳмонлар билан оёқ устида омонлашди-да, "Узр, машина кутиб қолди" деб, супадан тушди. Унинг тақир бошида чироқ шуъласи муздаги қуёш нуридек ялтилларди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган, ошпаз ҳам капгирни кўтариб келиб қолди. Нақадар очиқ кўнгиллик билан тўй кайфиятини кўтармоқчи бўлган меҳмонлар бунга эҳтиёж йўқлигини бутунлай тушуниб етишди ва бир зум ёнбошлаб, мудраб олиш ташвишига тушиб қолишди...

Ноғоралар тарақлаб, сурнай нола қилиб юборганда киприклар илинмаган ҳам эди. Одамлар гуррос "ош"га кела бошлади. Пойтахтликлар шундоқ ариқ сувига юз чайишди-ю, тўдага ўзларини уришди. Улар алоҳида илтифотга лойиқ қадрлари йўқлигини тушуниб етишган эди. Гулузорий совғаларни қабул қилар, табрикларга қулоқ тутар, кимларгадир илжаяр — ҳаммасини ўзидан ташқари ҳолатда адо этарди. У ростдан ҳам ўзида эмас эди.

...Бунга роса ўттиз йил бўлиб қолди.

Котиб негадир "Тушликни сизникида қилайлик", дейишга одат чиқарди. Ўзи бозорга тушади, таъбига ёққан нарсани харид қилади, кейин шофёр икковини ташлаб қўяди. Гули, Гулузорийни шоирга айлантирган, мадҳига ғазаллар битилган покиза малак — ўз қўли билан ул-бул нарса тайёрлаб беради. Бу ишда Гулузорий бирор ғайирлик сезмайди, аксинча, ўзи ҳам яйрайди, қулфи-дили очилади. Тушликлар одатдаги кун тартибига айланиб улгурган кунларнинг бирида ҳаммаси бошқача тус олиб кетди. Бозорга помидор олиб келиш учун (балки шу сафар котиб атайлаб помидорни эсдан чиқаргандир) тушган Гулузорий қайтгач, дераза орқали Гули, Гулузорийни шоирга айлантирган, мадҳига ғазаллар битилган покиза малак котибнинг оғушида мушукболадек суйкаланиб ўтирарди. Яна бу даҳшатли воқеа муқаддас байтлар ёзиладиган хонада содир бўлаётганди. Тўғри, бир зумда ҳаммаси изига тушган, Гулузорий эшикдан киргунча Гули дастурхонни йиғиштиришга киришган, котиб сиёсий адабиётлар мутолаасига ғарқ бўлганди, лекин деразадан эшикка етгунча Гулузорийнинг ичидаги устуни ғарч синди. Ўшанда одатдагидек тушлик қилишди, котибни кузатиб қўйди, аммо бирдан ўзига ўхшамай қолди. Бу сирни лаб ёриб бировга айтолмади ҳам, кўз ёши қилиб юрагини бўшатолмади ҳам. Фақат Гулига, уни шоирга айлантирган малакка нисбатан сўнмас нафрат юрагида ловуллаб қолди. Уни ошкора ҳам қилолмасди — котибдан қўрқарди. Аёлига бўлган нафрат томир ёзиб, ўттиз йилда жами одамларга нафратга айланди. Энди унга дўст билан душманнинг, яхши билан ёмоннинг фарқи бўлмай қолди. Энг ачинарлиси, у шу қиёфа билан яшашга мажбур эди. У ана шундай абгор бўлган, синган одам эди.

***Профессор Очил Тоғаевдан кўчирма:***
"Одамларни барқарор сиёсий эътиқод ва ахлоқ инсофга келтиради ҳамда жамиятни бошқаради. Бунга амал этмайдиган жамият бебош оломондир. Жамият ўз фуқаросига қаҳр билан, адолатсиз, ноҳақ муносабатда бўлса, фуқаро ҳам жамиятга шундай муомала қилади.

Қул эркинликдан маҳрум бўлиб, иш бажарувчи воситадир. Мутеълик — муайян эркинликдаги қул. Бироқ тоифани ўзига қул, муте қилган ҳокимиятнинг ўзи ҳам қуллик руҳиятидан холи бўлолмайди".

*("Туҳматнинг ижтимоий қиёфаси", "Халқ сўзи", 1991 йил, 30 март).*

***Изоҳ:*** Устознинг бу мулоҳазаларида тоталитар тузум маънавий қиёфаси ўз баҳосини олган. Ана шундай муҳит Гулузорий сингари миллионлаб одамларнинг чалажон бўлиб, мутеъ бўлиб яшашга мажбур этганди.

* * *

Учинчи қаватдан бино олдидаги майдон кафтдагидек аниқ кўринар экан. Кўзга ташланадигани — атроф ям-яшил. Шунданми, ҳув узоқдаги бўш ерлар ҳам назарни тортади, яйдоқ ва тақир туюлмайди. Аслида, бундай чиройга эришиш учун катта маблағ ҳам талаб қилинмаган, фақат дид ва ҳафсала уйғунлиги билан шунга эришилган. Янги раҳбарнинг ишнинг кўзини билишини ана шу кичик унсурдан ҳам сезиб олиш қийин эмас эди.

Котиба у ёқ-бу ёққа тез-тез ўтади, қаерларгадир телефон қилади. Калта юбкаси бекита олмайдиган йўғон оёқлари кишининг суқини қўзғайди, ҳойнаҳой, у қизлар футбол командасининг ҳужумчиси бўлса керак. Қарийб уч соатдирки, раҳбарни излашади, у манзилини айтиб кетмаган, қўл телефони ўчирилган. Ўтган уч соат кўп нарсаларни мулоҳаза қилиб олишга кифоя қилди. Аввало, унинг кутилмаганда бу жойларда пайдо бўлиши ҳеч кимда англашилмовчилик уйғотмагани маълум бўлди. Ахир у қанча тез кўтарилган бўлса, шунча тез пастга "шўнғиди"-да. Бироқ бир йилда юқори идорада оламжаҳон иш қилди, ҳатто мукофот ҳам олди. Унинг бу вазифага туширилиши ҳаммани ажаблантирди, билганлар у деди, билмаганлар бу деди. Ўзи қандай қабул қилди экан? Бир йилга яқин вақт ўтса-да, овозини эшитиш имкони бўлмади, ҳар ҳолда яхши биларди, суҳбатдош эди. Албатта, ҳаёт тарзи жиддий одамларда ҳеч нарса изсиз кечмайди, ҳатто олдидан саломлашмай ўтган одамнинг қилиғини миясида бир ҳафта муҳокама қилади. Уни эса кўтариб, уришди. Бу зарбани қандай кечирди экан? Шулар хаёлда ўтар экан, раҳбарнинг келишган қадди-қомати, сермаъно, шунқор нигоҳлари жонлангандек бўлди.

Ниҳоят, унинг ҳовлида пайдо бўлгани ҳақида хабар тарқалди. Албатта, мулозимлар унга эски таниши — Палончи Писмадончиев кутаётганини айтишган эди. У эса бу "хуш"хабарни оддий қабул қилган, тоқат билан уч соат кутган меҳмонни ҳовлида, ходимларни "тахтага оладиган" супада қабул қилишига изн берганди.

Унинг толиққанини, ҳатто ҳаммасидан ҳафсаласи пир бўлганини зўрма-зўраки табассумлар ҳам, сийқа илтифотлар ҳам бекитолмасди. Билъакс, у эски, қадрдон таниши олдида шундай ночор ҳолда кўринганидан оғир хижолатда экандек туюлди. Ташриф нечоғлик ўринсиз бўлмасин, обрўни қўлдан бермаслик керак эди. Одамнинг бир асно-лик мулоқот ёки узоқ ҳамкорлиги даврида пайдо бўладиган энг оддий инсоний меҳр ўртага тушди:

— Мен бу жойларга олдин ҳам келган эдим, қиёфаси тамоман ўзгариб кетибди. Худди дастлабки иш жойингизга ўхшаб, файз кашф этибди.

Одамзот ҳар қандай шароитда ҳам бир чимдим ширин сўз гадоси. Мартабали меҳмоннинг бу лутфи раҳбарни ҳушёр торттирди, толғин нигоҳида шуъла йилт этгандек бўлди.

— Келсам, ҳаммаёқ асфальт, — қулочини ёзиб, атрофни кўрсатди, шундан кейин унга бир ўктамлик қайтгандек бўлди, — олдириб ташлаб, чим ёткиздирдим.

— Анов жойларда қўй-қўзилар юрган эди. Энди гулзор бўлиб қолибди.

— Худо хоҳласа, яна келишингизгача бундан ҳам бошқача бўлади.

Шундан кейин янгиликлар ҳақида сўз очиш мавриди юзага келди.

— Нега бундай кутилмаган ўзгаришлар бўлиб қолди? Сизни кўпчилик ўша жойда бош раҳбар бўлади, деб кутганди...

— Биласиз-ку, бизнинг соҳада биринчи хўжайиндан ўтиб бўлмайди. Кейин совет тузумидан қолган бир қоида бор: "Инициатива — наказуемая".

Изоҳлар қисқа бўлди. Шуларсиз ҳам ҳамма нарса тушунарли эди. Кейин гап бошқа — икир-чикир мавзулар устида айланди. Барибир суҳбат кўр олмади. Раҳбар оғир масъулият остида эди. У тинимсиз кимларнидир йўқлар, топшириқлар берар, ўта бандлигини ошкора намойиш этарди. Унинг юрагига қил ҳам сиғмасди.

— Сизга муваффақият.

— Албатта. ***Итдан суяк таъма қилмайман.*** Ишхонани яқинда қўғирчоғдек қилиб оламан.

У "Қандай келгансиз, қандай кетасиз?" деб сўрамади ҳам. Зинанинг олдида хайрлашди.

Йўловчи машинада шаҳарга қайтиш пайтида турли мулоҳазалар чарх урди. Раҳбар илк учрашувда оламшумул ғояларга тўлиб-тошган, серғайрат, одамохун инсон сифатида намоён бўлганди. Кейинги икки-уч учрашувда ҳам шу фазилатларини тўла тасдиқлаган, ҳатто янада мукаммаллашган, улғайган эди. Бир сафар тўйга бошлаб борган, ҳаммага "Қадрдон акам" деб таништирган, шаҳарга алоҳида машинада кузатиб, багажга бир қопдан гуруч, картошка, пиёз ташлаб қўйишни ҳам унутмаган эди. Бугун... Мана оқибат, мана ўсиш.

"У синибди, — деган ҳукм келди фикрга, — лекин ўзини тиклаши керак. Айни кучга тўлган пайтда синиб кетаверса, увол. Ўзини тиклай олармикан?!"

У ўзини тиклаши керак. Мустақилликнинг талаби шундай.

**Ҳаким САТТОРИЙ**

✓ Қадрият

# ШАЪБОН ОЙИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

**Муборак ойларнинг яна бири — Шаъбон ҳам (27 сентябрдан) ҳузуримизга ошиқмоқда. Нафс тарбияланишида мана шундай муборак ойлар барча мўъмину мусулмонлар учун аҳамияти беқиёс эканлиги маълум. Аллоҳ таоло бу ойда ўз бандалари учун хайр ва баракотларнинг шўъбаларини ато этганлиги боис номини Шаъбон қўйган экан. Яҳё ибн Маъоз айтадилар: «Ражаб ойи мўъминларнинг баданини поклайди, Шаъбон эса қалбини, Рамазон бандaнинг руҳини тозалайди».**

**Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Мукошафат ул-қулуб» асарида: «Шаъбон» — одамни «ҳайратдан телба қиладиган» маъносида бўлиб, бунинг сабаби бу ойда кўп хайрлар амалга ошади. Абу Умома Боҳилий айтади:**

**Аллоҳ Расули шундай буюрардилар: — Шаъбон кирганда нафсларингизни покланг. Ниятларингизни гўзаллаштиринг.**

**Ҳазрати Ойша волидамиз: — Расулуллоҳ шунчалик кўп рўза тутардиларки, биз ҳар доим рўза бўлсалар керак, деб ўйлардик. Рўза тутмаган пайтларида эса, энди сира ҳам рўза тутмасалар керак, деган хаёлга борардик. Бундай танаффусли рўза тутишларнинг аксарияти Шаъбонда бўларди.**

**Насоий қайд этади ва Усомадан — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади:**

**Расулуллоҳга дедимки: — Эй Аллоҳнинг Расули, ҳеч бир ойда Шаъбондагидай кўп рўза тутганингизни кўрмадим!**

**Расулуллоҳ (с.а.в.) буюрдилар: — Бу шундай бир ойки, одамлар Ражаб билан Рамазон ойлари орасида ундан ғофил қоладилар. Ҳолбуки, бу ойда яхши амалларингиз оламларнинг Рабби бўлган Аллоҳга юксалади. Мен ҳам амалларимнинг рўзали ҳолда Аллоҳга юксалишини истайман...**

**Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат этадилар: «Агар ҳар қайси мўъмин банда Шаъбон ойи таъзимини бажо келтириб, солиҳ амаллар билан ўзини гуноҳлардан сақлаган бўлса, Аллоҳ таоло унинг ўтмишдаги ҳамма гуноҳларини мағфират этади, барча офат ва балолардан ўз ҳифзу ҳимоясида асрайди». Яна бир ҳадисда айтиладики: «Умматларимдан қайси бири Шаъбон ойининг бошида уч ва охирида уч кун рўза тутса, етмиш обиднинг етмиш йиллик қилган ибодатининг савобини топади. Бу савоблар Шаъбон ойида рўзадор бўлган бандaнинг номаи аъмолига ёзилади ва агар банда ўша йили вафот этса, шаҳид мақомини топади».**

**Инсон рўзадор бўлганида гуноҳлардан тийилишга ҳаракат қилади. Ҳаттоки, айни пайтда одат тусига айланиб қолган (астағфируллоҳ!) ғийбатдан ҳам тийилишга мажбур. Анас (р.а.) ривоят қилади: — Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаммага бир кун рўза тутишни буюрганлар ва: «Ҳеч ким мендан рухсат сўрамай рўзасини очмасин!» деганлар. Ўша куни ҳамма рўза тутди. Шом бўлганда бир киши келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, куним рўза билан ўтди. Рухсат беринг, энди ифтор қилай!» — деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга изн бердилар. Ундан кейин яна бири келди, сўнгра бошқаси келди. Шу асно тағин бир одам келиб, дедики: — Ё Расулуллоҳ (с.а.в.) уйимда оила аъзоларидан икки йигит бор. Кунни рўза оғиз билан кеч қилдилар. Мажбуриятингиздан ижозат олгани ҳузурингизга келолмадилар. Изн берсангиз, улар ҳам рўзаларини очсалар! Расулуллоҳ унга изн бермадилар. Бу киши илтимосини яна такрорлади. Расулуллоҳнинг рухсат беришга яна ҳушлари бўлмади. У киши учинчи марта изн сўраганда, Расулуллоҳ (с.а.в.) буюрдиларки; — Улар рўза тутмадилар. Кундузи инсонларнинг гўштини ейиш билан (яъни ғийбат қилиш билан) вақт ўтказган кимса рўза тутган ҳисобланмайди. Бор олдиларига. Агар рўзали бўлсалар, «Энди қусинглар!» — деб айт.**

**У одам кетди. Расулуллоҳнинг буйруқларини уларга айтди. Қусдилар. Ҳар иккисининг ичидан қуюлиб лахта-лахта бўлиб қолган қон тушди. У одам Расулуллоҳнинг олдиларига қайтиб борди. Бўлган воқеани айтиб берди. Расулуллоҳ (с.а.в.): — Борлиғим қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, агар ичларида яна шундай қон қолган бўлса, уларни жаҳаннам олови еяжак.**

**Бу муборак ойнинг 15-(10 октябрдан 11 октябрга ўтар) кечаси Барот кечасидир. Ато ибн Ясор (р.а.) ва Ҳазрати Али (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар, ул ҳазрат дебдурлар: «Барот кечаси, Қадр кечасидан кейинги энг афзалроқ кечадир». «Шаъбон ойининг ўн бешинчи кечаси — Барот кечасидир. Барот кечаси кирганда уни муборак билиб, кечаларни намозу истиғфорда, кундузни эса рўзадорлик билан ўтказинг».**

**Аллоҳ таоло барчамизга Шаъбон ойини муборак ва хайрли қилиб, салим ақл, салим қалб ато этсин!**

**Лола НАСРУЛЛОҲ тайёрлади**

✓ Иллат

# КОРРУПЦИЯ

## *унинг ижтимоий илдизи қаерда?*

Биз собиқ советлар замонида "коррупция" сўзини жуда ҳам кам ишлатардик ёки мутлақо бу истилоҳдан фойдаланмасдик. Ишлатганда ҳам, уни фақат капиталистик мамлакатларга хос ҳодиса сифатида эътироф этардик. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, коррупция ва жиноятчиликнинг илдизлари ҳар қандай жамиятда ҳам мавжуддир.

Коррупция нима ўзи? У қандай маънони англатади ва унинг замирида нима ётади?

"Коррупция" лотинча сўз бўлиб, "сотиб олиш", "ўз томонига оғдириш" деган луғавий маъноларни билдиради. Коррупциялаш дегани эса давлат ва сиёсий арбобларни, умуман, мансабдорларни сотиб олиш деганидир. Коррупция жинояти илдизини олис ўтмишдан излаш лозим.

Қадимги Римда эрадан олдинги V асрлардаёқ бу сўз ва жиноят тури маълум эди. Ўша пайтларда ҳам турли сиёсий гуруҳлар амалдорларни (император, магистрант, консул, цензор кабиларни) ўз манфаат ва мақсадлари йўлида сотиб олардилар. Византия давлатида ҳам (V-XV асрлар) коррупция жуда кучли бўлган. Айниқса, "Мовийлар" ва "Яшиллар" номли партиялар ҳокимият учун курашда сенатор ва маслаҳатчиларни ўз томонига оғдириб олар ва шу йўл билан сайловларда ғалаба қозонишга интилишарди.

И. Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида таъкидлаганидек, "ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз беради. Шу билан бирга жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислоҳотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам бевосита таҳдид туғдиради".

Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан уюшган жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши зарба берилмоқда ва коррупцияга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда. Бироқ бу борадаги курашни бир сония ҳам тўхтатмаслик ва хотиржамликка берилмаслик керак. Энг аввало, жиноятчилик ва коррупцияга "доялик" қиладиган муҳитни тозалаш, соғломлаштириш керак. Бунинг учун эса қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- ➔ наркотик моддалар билан савдо қилишни ва уларни ишлаб чиқаришни буткул тақиқлаш ва тугатиш;
- ➔ ҳар қандай қурол-яроғни махфий ёки ошкора киритилиши ва сотилишига йўл қўймаслик;
- ➔ махфий ёхуд очиқ кўринишдаги диний маҳдудлик ва экстремизмга зарба бериш;
- ➔ маҳаллийчилик ва ошна-оғайнигарчиликка йўл қўймаслик;
- ➔ яширин иқтисодиётга зарба бериш, сунъий танқисликни вужудга келтиришнинг олдини олиш;
- ➔ қонун устиворлигини таъминлаш;
- ➔ раҳбар ходимлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг касбий ва ахлоқий фазилатларини янада ривожлантириш, энг муҳими, ҳалолу пок, виждонли, ватанпарвар фарзандларни вояга етказиш.

Коррупция жамият танасидаги зарарли ўсимтага ўхшайди. Уни тезда олиб ташлаш керак, акс ҳолда у бутун танани ҳалок қилади. Коррупциянинг илдиз отгани, шохлаб кетгани, айниқса, ёмондир. Унда давлат хизматчилари жиноий унсурлар билан бир бўлиб қўшилиб кетадилар. Айниқса, суд, прокуратура, милиция каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг коррупция ва жиноятчиликка аралашиши энг ёмон ҳолдир. Бу ғоят салбий оқибатларга олиб келиши, жамият тинчлиги ва хавфсизлигини буткул издан чиқариб юбориши мумкин. Энг ачинарлиси, бундай шароитда кишилар, элу юрт адолат тантанасига ишонмай қолади.

"Коррупция вужудга келиб, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ва тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади, — деб ёзади Президентимиз И. Каримов. — Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир".

Такрор бўлса-да, шуни айтиш зарурки, коррупция, умуман, жиноятчиликка қарши кураш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вазифаси эмас. Келажагимиз ва осойишта ҳаётимиз хавфсизлигига таҳдид солувчи бу каби иллатларга қарши жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси огоҳлик ва фидойилик билан қарши турмоғи, атрофда рўй бераётган адолатсизлик ва жиноятларга қарши курашмоғи лозим. Ана шунда адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги ҳаракатларимиз ўз мевасини беради.

**Иномжон АМИНОВ,**
**ФарДУ Ҳуқуқшунослик факультети талабаси**

## Дараклар

### Ироқда вазият қалтислашмоқда



**БМТнинг Бағдоддаги ваколатхонаси олдида яна портлаш рўй берди. Хабарларга қараганда, бунинг оқибатида икки киши— полициячи ва машинани портлатиб юборган камикадзе ҳалок бўлган, 20 га яқин киши жароҳат олган. Бу сўнгги бир ой ичида амалга оширилган иккинчи қўпорувчиликдир.**

Кузатувчилар айни вақтда Ироқдаги вазият яна қалтислашаётганини айтишмоқда. АР хабарида билдирилишича, Бағдоддан 20 км масофада жойлашган қамоқхона номаълум кишилар томонидан миномётда ўққа тутилган. Ҳужум натижасида икки киши вафот этган ва 13 нафар киши жароҳат олган.

### Бош вазирлар диққат марказида — Ироқ

**Берлинда Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр, Франция раҳбари Жак Ширак ҳамда Германия канцлери Герхард Шрёдер иштирокида бўлиб ўтган учрашувда Ироқдаги аҳвол ва АҚШ томонидан шу масалада тайёрланган резолюция муҳокама этилди. Бироқ ҳукумат етакчилари бу борада деярли бирор келишувга эришолмадилар.**

Лондонда Тони Блэр Испания Бош вазири Хосе Мариа Аснарни қабул қилди ва Ироқ муҳокамасини давом эттирди. Бош вазирлар бир-бирлари билан тил топиша олишди. Кўпчиликка маълумки, Испания кўп масалаларда АҚШ ва Буюк Британиянинг яқин иттифоқчиси саналади.

### Исроил бетон девор қурилишини тўхтатмайди

**Ариэль Шарон Исроил ҳукумати мажлисида Фаластин чегарасида бетон девор қурилиши давом эттирилиши ва бу тадбир хавфсизликни сақлашда қўл келишини таъкидлаб ўтди. Дунёнинг аксарият давлатлари, хусусан, АҚШ ҳам чегара девори қурилишига қарши чиқмоқда.**

Кузатувчилар фикрича, Фаластиннинг айрим ҳудудлари чегаранинг Исроилга тегишли қисмида қолиб кетмоқда. Шу боис ҳам Фаластин раҳбарияти Исроил томонига вазиятни холис ўрганиш учун халқаро кузатувчилар таклиф этиш зарурлигини билдирган. Бироқ ҳозирча Исроил раҳбарияти четдан мутахассислар келишига рўйхушлик бермаяпти.

### Ҳотамтой Билл Гейтц

**Жаҳоннинг энг давлатманд кишиларидан бири Билл Гейтц безгак касалига қарши курашувчи жамғармага 168 миллион доллар маблағ ажратди.** Бу маблағ асосан Африкадаги қашшоқ мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш ва безгак хасталигига қарши фаол кураш олиб бориш учун сарфланиши кўзда тутилган.



Б. Гейтц мавжуд аҳвол билан танишиш мақсадида бир неча кун давомида Африка мамлакатларида бўлди ва ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак берди.

### Дунё ОИТСга қарши

**Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг ОИТС (СПИД)га қарши кураш масаласига бағишланган сессияси бўлиб ўтди. Айни шу мавзудаги сўнгги машварат бундан икки йил аввал ўтказилганди.** Сессия ишида Бош котиб Кофи Аннан шу икки йил давомида амалга оширилган тадбирлар ҳақида гапирди ва дунё давлатларини ОИТСга қарши курашда бирдамликка чақирди.



Анжуманда бу борада Африка қитъасидаги аҳвол ғоят ачинарли экани билдирилди. Маълумотларга қараганда, ВИЧ вируси билан заҳарланганлар ушбу минтақада 28,5 минг кишини, касалликдан вафот этганлар эса 15 миллион кишини ташкил этмоқда.

### Тўфондан кўрилган зарар —1 млрд. доллар

**Атлантика океанидан шарқий штатлар орқали АҚШга кириб келган "Изабель" тўфони ҳукуматга қимматга тушмоқда.** Нью-Йорк тадқиқотчиларининг илк ҳисоб-китобларига қараганда, табиий офатдан кўрилган зарар ҳозирданоқ 1 миллиард долларни ташкил этмоқда.



Тўфонда ҳалок бўлганлар сони 31 кишига етган. Виржиния штати "Изабел"дан энг кўп азият кўрди: табиий офат пайтида 16 нафар виржиниялик ҳаёт билан видолашди.

**Интернет хабарлари асосида**
**Абдул СОБИР**
**тайёрлади**

## Тафсилот

# "НЬЮ-ЙОРК ТАЙМС" ИНҚИРОЗИ

### У ҚАНДАЙ ЮЗ БЕРДИ?

**АҚШга қилган сафаримиз чоғида "Нью-Йорк таймс" инқирози ҳақидаги турли хил миш-мишлар ҳали тинганича йўқ эди. Америка матбуоти фаолиятида йилнинг энг шов-шувли воқеасига айланган бу инқироз долзарб мавзу сифатида журналистлар ўртасида кенг муҳокама қилинарди.**

Ўзбек ўқувчилари бу ҳақида бир неча ой аввал оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлган эдилар. Бу воқеанинг қандай натижа билан тугаганлиги ва унинг АҚШ матбуотига кўрсатган таъсири ҳақидаги маълумотлар ҳам, ўйлаймизки, уларни бефарқ қолдирмайди.

Американинг "Нью-Йорк таймс"дек кўзга кўринган энг катта, обрўли газетасини инқироз деб аталмиш жар ёқасига олиб келган шахс шу газетанинг мухбири Жейсон Блейк эди. У кўп йиллардан бери газетада фаолият кўрсатар, ўзини қалами ўткир, истеъдодли журналист сифатида намоён қилган эди. Ҳатто у Америка журналистларининг Пулицер мукофотини олишга сазовор бўлганди. Шунинг учун дастлаб жамоатчилик Жейсоннинг ёзган мақолаларида нотўғри маълумотлар берилганига шубҳа билан қаради. Чунки у доим фактларга асосланиб қизиқарли мақолалар ёзар ва улар жуда ишонарли чиқарди. Нотўғри маълумотлар эса бир эмас, бир неча мақолада такрорланганди. Газета муҳаррирлари дастлабки нотўғри ахборотини илғаб, уни огоҳлантиришган эди.

Қолаверса, у "Нью-Йорк таймс"дай обрўли газетада ишларди. Одамлар эса "Нью-Йорк таймс"да бошқа газета ва журналларга қараганда ҳам тўғри ахборот берилишига жуда ишонардилар. Жейсон нотўғри ахборот бериш мумкин эмаслигини билган ҳолда бунга журъат қилди. Унинг аввалги хатоси яна бир неча мақоласида такрорлангани аниқланди.

Шу йилнинг 11 майида "Нью-Йорк таймс" газетасида Жейсон Блейк мақолаларига бағишланган 4 саҳифадан иборат мақола эълон қилинди. Унда мухбирнинг нотўғри маълумотлари асосли далиллар билан очиб ташланганди. Жейсон ўзининг хатоларини охир-оқибатда тан олди ва истеъфо берди. У билан биргаликда икки муҳаррир ҳам истеъфога чиқди.

Биз "Нью-Йорк таймс" газетаси таҳририятида бўлганимизда "Халқаро янгиликлар" бўлимининг бошлиғи Энлисон Смис бу инқирозга изоҳ бериб шундай деди:

— Бу воқеа журналистлар орасида жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Ҳатто газетада журналистларга нисбатан ҳеч қандай назорат йўқ, деган қарашлар ҳам пайдо бўлди. Албатта, бу газеталар обрўси учун жуда нохуш воқеа эди. Чунки биттагина шу ҳодисанинг ўзи газета фаолиятига ёмон таъсир қилиши, ўқувчиларнинг ишончи бой берилишига сабаб бўлиши мумкин эди. Шукрки, бундай бўлмади. Биз тез ўз хатоларимизни тўғриладик. Жейсон ишдан кетди. Бу воқеа газетадаги бошқа журналистлар учун катта сабоқ бўлди.

Газета-ку инқирозни тинчгина бартараф этиб, ўз мавқеини илгаригидай сақлаб қолди. Бунга сабаб, балки адолатнинг қарор топиши — Жейсон Блейкнинг ишдан кетишидир. Нима бўлганда ҳам, газета ҳар куни одатдагидай тиражда муштарийлари қўлига етиб боряпти. Аммо бу нохуш воқеага бўлган муносабат журналистнинг касбий одобига зид иш сифатида Америка ОАВ кун тартибидан тушганича йўқ.

Биз гуруҳимиз билан қайси бир оммавий ахборот воситасига бормайлик, айтайлик, у "АВС" телекомпанияси бўладими ёки "Бостон глоб" газетаси ёхуд ҳудудий газета таҳририятлари бўладими, албатта, жорий йилда бўлган ана шу мавзуга, шов-шувли мавзуга тўхталишга тўғри келди. Умуман олганда, "Нью-Йорк таймс" газетасининг инқирозини бошқа газеталар, оммавий ахборот воситалари, қолаверса, журналистлар қандай баҳолаши биз учун ҳам қизиқ эди. Журналистларнинг фаолиятини белгиловчи Ахлоқ Кодексига амал қилмаслик, плагиатлик билан боғлиқ бундай нохуш ҳодисалар Америка журналистикасида кам бўлса-да учраб туради. Бу эса ўз навбатида журналистнинг жамият олдидаги мавқеига путур етказмасдан қолмайди. Шу боис онда-сонда учрайдиган бундай ҳолатлар АҚШ журналистлари ўртасида кенг муҳокама қилинади. Ҳатто "Нью-Йорк таймс" инқирози билан боғлиқ маърузалар бизнинг сафар дастурларимиздан ўрин олганлиги ҳам бу мавзунинг чиндан ҳам долзарб эканлигини кўрсатади.

Нордистерн университетининг журналистика мактабида ўтказилган семинар-маърузалардан бири айнан шу мавзуга қаратилди. Унда мазкур журналистика мактабининг директори Стив Бургард "Нью-Йорк таймс" инқирозининг туб сабабини изоҳлар экан, шундай деди:

— Агар Америка журналистикасига назар ташлайдиган бўлсак, у нотўғри ахборот беришдан, плагиатлик, яъни фикр ўғирлашдан кўп азият чекди. Бироқ бу ҳамма журналистлар Ахлоқ Кодексига зид ҳаракат қилади, деган хулосани бермаслиги керак. Баъзи журналистлар ўзининг ёзганини бошқаларникидан ўзгачароқ, яхшироқ кўринишига ҳаракат қиладилар ва хатога йўл қўядилар. Жейсон Блейк ҳам ана шундайлар сирасига киради. У газетхонлар эътиборини тортадиган, шов-шувли мақолаларни ёзишга зўр берган. Энг муҳим мезон — ҳаққонийлик эса четда қолган. Нотўғри ахборот бериш, плагиатлик ҳолатлари "Нью-Йорк таймс"гача ҳам бўлган. Масалан, "Янги Республика" журнали ҳам ана шундай инқирозни бошдан кечирган. У "Нью-Йорк таймс"дан ҳам кўпроқ шов-шувга сабаб бўлганди. Ёш, ўсувчан журналист Стивен Глос бошқаларнинг мақолаларини ўзлаштирган. Шунингдек, у ёритган мавзуларнинг манбалари реал ҳаётда бўлмаганди. У кейинчалик мен қўштирноқдаги одамларнинг гапларини тўқиб чиқарганман, дея тан олди. Унинг бу кирдикорини "Фортуна" журнали битта мақоласига қизиқиши орқали билиб қолади. Пулицер мукофотини олган репортёрнинг 8 ёшли бола героин истеъмол қилганлиги ҳақидаги мақоласи суриштирилганда, бундай бола умуман бўлмаганлиги аниқланди. Хулоса қилиб айтганда, "Нью-Йорк таймс"нинг инқирозига сабаб, биринчидан, журналистга ҳаддан ортиқ ишонувчанлик бўлса, иккинчидан, газетада мухбирлар, яъни репортёрлар билан муҳаррирларнинг бир-биридан узоқлигидир.

Бошқа оммавий ахборот воситаларида ахборотнинг ҳаққонийлиги қай тарзда аниқланишига қизиқдик. Бу ҳақда "АВС" телекомпанияси "Янгиликлар" дастурининг репортёри ва бошловчиси Питер Жейлинг шундай дейди:

— "Нью-Йорк таймс" инқирози бизнинг фаолиятимизга унчалик таъсир қилгани йўқ. Фақат бу шов-шувли воқеа жамоатчилик эътиборини ўзига тортди. Назаримда, у ҳақда керагидан ортиқ гапирилаяпти. Бизнинг фаолитимизда ҳаққонийлик, аниқлик энг асосий тамойил ҳисобланади. "Янгиликлар"-да кетадиган бир ярим минутлик ахборотнинг тўғрилиги камида иккита манбадан текширилади. Агар ахборотни берган репортёрнинг ахборотнинг тўғрилигига нисбатан озгина бўлса ҳам иккиланишини сезиб қолсак, ўша ахборотни олишни бошқа репортёрга топширамиз. Биринчи репортёрдан эса ахборот олмаймиз. У эса шундан хулоса қилади.

Гарчанд Питер Жейлинг бу борада ўз фикрларини айтган бўлса-да, буни бутун Америка оммавий ахборот воситаларига тааллуқли, деб айтолмаймиз. Чунки ҳар бир нашр — газета ёки журнал, радио, телевидение агар асосий фаолият мезонини белгиловчи Ахлоқ Кодексига амал қилганида эди, бундай ҳолатлар умуман бўлмасмиди?!

Нима бўлганда ҳам, американиклар журналистларга ишонадилар. Шунга қарамай, "Нью-Йорк таймс" инқирозига ўхшаган воқеалардан журналистларнинг хавотирга тушиши оз бўлса-да, уларнинг жамият олдидаги, халқ олдидаги вазифаларига нисбатан масъулиятни кучайтириш аниқ.

**Назира ҚУРБОН қизи,**
**журналист**

## ИНСОН НЕГА ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРАДИ?

Ҳаёт доим қувончу шодликдан иборат бўлмагани каби жамиятда ҳам некбин кишилар билан бирга ёмон хулқли жиноятчи кимсалар учраб туради. Хўш, нега инсон жиноят содир этади? Жамиятда соғлом тарбия топаётган шахс қандай қилиб жиноятчига айланади? Бу мавзудаги баҳсу мунозара, эҳтимолки, инсоният пайдо бўлганидан, ақлини таниган вақтдан буён давом этаётган бўлса керак. Ва бу, аниққи, бугун ҳам, эртага ҳам давом этади.

Барчамиз — бир ота-онанинг фарзандимиз. Инсон боласи ҳеч қачон онадан ёмон бўлиб туғилмайди. Ҳатто типратикан ҳам тикансиз туғилар экан. Демак, инсоннинг виждонли, ор-номусли бўлиб камол топишида муҳитнинг ўрни катта.

Франциялик антрополог олим Брока жиноятчиларнинг бош чаноғи ва миясининг тузилишида қонунга амал қилувчи аҳолиникидан фарқ қилувчи хусусиятлар бор, деб фикр билдирган эди. Италиялик криминология тадқиқотчиси Чезаре Ломбозо ҳам: "Баъзи одамлар жиноий майллар билан туғиладилар ва улар ибтидоий инсонлар типига мансуб бўладилар", деган хулосага келади. Унинг фикрича, жиноятчи кимсаларни бош чаноғи шаклига қараб аниқлаш мумкин. Бироқ америкалик мутахассис Ричард Дайгдейл тадқиқотлари француз ва итальян олимларининг фикрларини инкор этувчи хулосаларни келтириб чиқарди. Дайгдейл 1200 аъзосидан 140 нафари жиноятчи бўлиб "етишиб чиққан" Дюклар шажарасини Америкада машҳур бўлган руҳоний Эдварс авлодлари билан солиштириб ўрганиб чиқди. Муқояса усули, муаллиф фикрича, оилалардаги генетик белгилардан келиб чиқувчи тафовутларни кўрсатиб бериши керак эди. Бироқ жиноятнинг ирсият орқали ўтиши тўғрисидаги назария исботланмади. Чунки Эдварслар оиласида ҳам судланганлар етарлича эди. Яъни бунда муҳитнинг таъсири кучлироқ экани аён бўлди.

Лекин жамиятда ёвузлик ёхуд жиноятчиликнинг илдиз отишида бош айбни муҳит "елкаси"га ағдариш ҳам тўғри эмас. Боисики, Тангри таоло одамзотни яратиб, қалб ва онг (ақл) неъмати билан сарафроз этган. Орамизда ўзини ҳамиша ҳақ деб ҳисоблайдиган тоифа учраб туради. Улар бошқалар каби ҳалол яшашни хоҳлашлари, бироқ бунга муҳит йўл бермай, тубанликка бошлашини айтишади. Агар инсон ҳаётда қалб амрига қулоқ тутиб, ҳар бир амалини ақл тарозисида ўлчаб юрса, ҳар қандай ёмон муҳитда ҳам хуш хулқи, гавҳар имонини сақлаб қола билади. Ахир, ўғрининг боласи ҳар доим ҳам ўғри бўлавермайди-ку!

Умуман, инсон умрининг ҳар сонияси унинг хулқ-атворидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Шу боис ҳам тарихий ривожланиш жараёнида табиий равишда хулқ-атворни тартибга солувчи, назорат қилувчи восита ва омиллар шакллана боради. Маълумки, ташқи таъсир воситалари ахлоқ-одобда янги белгилар ҳосил қилади ва бунинг натижасида инсон хулқ-атворида ижобий ёхуд салбий белгилар зоҳир бўлади. Ана шу жараёнда янги таркиб топаётган хулқий меъёрлар, белгиларнинг сараги саракка, пучаги пучакка чиқарилади. Бу эса шахс хулқини назоратга солувчи воситалар орқали амалга оширилади. Хулқ-атворни тартибга солувчи воситалар сирасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин.

**Биринчиси** — асрлар давомида тўхтовсиз қўлланиши натижасида миллатнинг доимий ҳаёт тарзига айланган урф-одат, қадриятлар. Оддийгина мисол: онанинг ёш гўдагига алла айтиши билан бола қалбига хулқ-атворнинг дастлабки нишоналари жо бўла бошлайди.

**Иккинчиси** — инсоннинг ўзини қандай тутмоғи лозимлигини белгилаб берувчи ахлоқ-одоб қоидалари, меъёрлари. Мисол учун, катта ёшдаги кишиларга салом бериш, фарзанднинг отасидан олдинда юрмаслиги, бутун Ғарб аҳлини лол қолдирган "Каттага ҳурмат, кичикка иззат" қоидаси каби бир қанча одоб-ахлоқ меъёрлари мавжуд. Улар ҳеч қаерда ёзиб қўйилмаган бўлса-да, одамзотнинг ҳар бир қадами мана шу қоидалар тарозисида тортилиб боради.

**Учинчиси** — давлатнинг мажбурлов кучи билан ўрнатилган ва бажарилиш таъминланадиган, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ меъёрлари (нормалари). Ҳуқуқ меъёрлари ўз ичига қонун, қарор ва бошқа қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни олади. Адолат, инсонийлик, тенглик каби умуминсоний тамойиллар асосида тузилган бу ҳужжатлар инсон, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

**Тўртинчиси** — инсониятнинг бой маънавий мероси, аллома, олимларнинг кўп асрлардан бери сақлаб келинаётган бебаҳо рисолалари, қўлёзма асарлари ҳамда ёзувчи, шоирларнинг эзгуликка чорловчи ижод намуналари. Бу манба инсон учун, ҳар биримиз учун хулқ-атвор кўзгуси вазифасини бажармоғи лозим. Бироқ минг афсуслар бўлсинки, ҳозирга даврда одамлар бу ноёб хазинага беэътибор муносабатда бўлмоқдалар.

**Шерзод ОХУНБОЕВ,**
**ФарДУ талабаси**

## Сийрат

# ИЗТИРОБ СУРАТЛАРИ



Бадиий ижоднинг моҳиятини ижодкорнинг шахсиятидан қидирган маъқуллдир. Негаки, ҳар қандай ижодкор ҳамиша ўз шахсияти доирасида ва унинг даражасида мавжуд бўлади. Одамзот ўз вужудидан баланд сакрай олмаганидек, ижод жараёни ва унинг натижасида ҳам шахсликнинг қирралари намоён бўлади. Рауф Парфи шеърларига синчиклаб назар солинса, унинг шахсияти учун адоқсиз изтироб ва тийиқсиз норозилик хос эканлигини кўриш мумкин. У олтмишинчи йилларнинг аввалида яратилган илк шеърларидан бирида бежизга: "*Унда кезар мангу изтироб*", деб ёзмаган. Шоирнинг "*Тугатиб бўлмас ҳеч бу дардни ичиб, Ёрилган ярадан чечаклар ўсди*" ёки "*Ҳеч тузалмас яра у Сўздир, ахир*" тарзидаги иқрори изтироб чекишга сабабларнинг таги мўл, заҳираси адоқсиз эканини кўрсатиб туради. Қувончдан шеър туғилмайди. Ҳар қандай асл шеърнинг дояси – дард, ғам. Р. Парфи дунёнинг мунгларидан, одамларнинг нокомиллигидан, майда манфаатларнинг катта дунёни бошқараётганидан, дунё бечоранинг эса ёлғиз ва ҳимоясизлигидан изтиробга тушади. Шу маънода, Рауф Парфи шеърлари изтироб суратларидир.

Айни вақтда, шоир норози ҳам. Аввало, ўзидан. Негаки, у ўзи истаганидай нуқсонсиз эмас, эзгуликлар қилгиси келади, аммо имконсиз. Олам тартиботларидан мазмун талаб этади, ўз ҳаётига эса керагидай мазмун беролмайди. Рауф Парфи — барча катта истеъдодлар сингари максималист. Унинг шоирлар ҳақидаги "*Ярим дунё унга керакмас фақат, Бутун Коинотни забт этмаги шарт*", йўсинидаги иқрори шахсиятининг шу жиҳатини кўрсатади. Шоир оламни бирорта камчиликсиз кўргиси келади. Атрофдаги чиркинлик, дунёнинг бир дунё кирликка тўлалиги, қирғинлар, зўравонлик, адолатсизлик, зулм шоирни мувозанатдан чиқаради. Шоирнинг безовта руҳи ана шу ҳолатлардан изтиробга тушади, ундан норози бўлади. Р. Парфи шеъриятидаги мурosaсизликнинг илдизи, бизнингча, шу ерда. Унинг "*Агар юрак ютиб қилсам ошкор, Сўзларим зулмга отилган ўқдир*", тарзидаги қаноати шоир шахсиятининг ҳам, ижодининг ҳам моҳиятини акс эттиради, дейиш мумкин. У қандайдир тизимга, бирорта тузумга эмас, умуман, дунёнинг кирлигига, йўқ жойда бор деб даъво қилинаётган бахтга муxолифатда туради. Инсон кўнглидаги нопокликларга қарши боришга уринади.

Рауф Парфи ижодига хос ғоят муҳим жиҳат шундаки, у шеърларида борлиқ ва ундаги одамларни эмас, алоҳида инсон ва унинг ички оламини тасвирлашга интилади. У ўзини танимоққа уринаётган, ўзлигини топишга интилаётган кишилар руҳиятини чизади. У оламни жўн тушунгиси, изоҳлагиси, тасвирлагиси келмайди. Шоир — ҳаёт ҳақиқатларини кўрсатишдан кўра, кўнгил ҳақиқатларини, руҳият чинликларини ифодалашга мойил. Ҳеч ким кўрмаган ҳолатни ҳеч кимга ўхшамайдиган тарзда кўрсатиш унинг қисмати. Шу боис шоир суюкли қизнинг қора кўзларидаги ифодани "*Қора ёрқинликда шивирлар оят...*", дея суратлайди. Руҳга зуғум ўтказилишини эса "*Балким, тошлоқларда қон ютган лола, Йўқ, ҳавоси сўриб олинган ҳаво...*" тарзида ифода этади. Лола шунчаки эмас, "*тошлоқларда қон ютган*"идан қизил. Иложсиз ҳолат ҳам шунчаки имконнинг йўқлиги эмас, балки "*...Ҳавоси сўриб олинган ҳаво...*"-дир. Бу хил тасвир ўқувчини сўзлар устида ишлашга ундайди. Рауф Парфи шеърларини қулоқ орқали қабул қилиш, яъни эшитибгина қўя қолиш кифоя эмас. Унинг битганлари устида қайта-қайта ўйлаш, фикр ва туйғунинг илдизи қаерга бориб тақалиши хусусида мушоҳада юритиш лозим бўлади.

Р. Парфи ижодида ҳамиша ижтимоийликдан қочишга уринади. Чунки у — табиатан одамови, жамоатчи эмас. Катта давраларни хуш кўрмайди, талотўпли издиҳомларга ўзини урмайди. Лекин у доимо ўз-ўзидан кескин ижтимоий хулосаларга бориб қолаверади. Чунки унинг шеърларидаги ҳиссиётлу ўйлар чиндир. Чин фикр, асл туйғу эса ҳамиша ижтимоий моҳиятга эгадир. Буни шоирнинг "*Ҳар ким ўз қалбига ўзидир Ҳоқон*" тарзидаги холис мисрасида ҳам, "Оғриқ" шеъридаги шоир ижодий кредосини акс эттирувчи:

*Шовулла, гуркира, ҳаёт нафаси.*
*Руҳга иймон бергил, эй қодир Ҳаёт...*
*Юрак деб аталган оғриқ, бу – нажот,*
*Кўкрак қафасимиз – нажот қалъаси –*

сатрларида ҳам яққол кўриш мумкин. Шоир инсон нажотни ташқаридан эмас, ўзидан, юрагидан қидириши лозим эканини шу йўсин акс эттиради. Асл юрак, албатта, "оғриқ"ли. Киши юраги буюрганидай яшаса, эзгулик тантана қилиши табиий. Чунки кўнгилдан Аллоҳ жой олади. Шоир ўзликни асраш Ҳақиқатга олиб борадиган йўл эканини ишонч билан ифода этади. Р. Парфи шеърнинг умри шоир умридан узоқ бўлиши керак, деб ҳисоблагани боис "*Даврлар қаърида инграйдир башар, Айтадир: "Шоир йўқ, шеърият яшар!*" мисралари унинг ижодий маснадини ифодалайди.

Рауф Парфи сўзни ўта нозик ҳис қилади. Унинг ижодида маромига етмайроқ қолган фикр бўлиши мумкин. Лекин ўрнига тушмаган, етарлича пишитилмаган бирорта сўз бўлмайди. Шоир сўзларни чертиб-чертиб танлайди, уларнинг фақат семантик жиҳатига эмас, акустик томонига ҳам эътибор қилади. Шу боис Р. Парфи шеърларидаги мисралар созланган дуторнинг торидай таранг, жарангдор бўлади.

Унинг ижодида салқиб, бўшашиб турган бирор шеърий қаторни учратиш мумкин эмас. Сўзнинг имкониятларини яхши биладиган шоир сўзни ўйнатади, уни олмосдай ярқиратиб порлатиб юборади ва исталган фикру ҳиссиётнинг ифодасига хизмат қилдира олади. Шоир сўзни аямайди. Уни энг сўнгги тасвир имкониятигача ишлатади. Бир маънони ифодалаш учун бир неча сўзни қўлламайди, аксинча, бир сўз билан бир неча маъно билдиради. Унинг "*томчилар томчилар...*" ёки "*кеча кечар...*" тарзидаги фавқулодда ифодалари шу хусусиятлари билан шеърхон кўнглини забт этади. У "*Томчилар томчилар сочимга*", деб ёзар экан, ёмғирнинг ёғиши ҳақида хабар берибгина қўймайди. Балки бир қаторда уч бора қайтарилган "*ч*" товуши ёрдамида ёмғирнинг чакиллаб томишини кўрсатиб ҳам беради. "Ёшлик. Зангор фасл..." деб бошланувчи машҳур шеърида эса ёзади:

***Ёшлик. Зангор фасл. Кечди. Сарғарди.***
***Тўкилди у. Шафқат билмас баргрезон.***
***Қора совуқларга отиб юборди.***
***Шамоллар пойида синади хазон.***

Шоир атай ҳар бир сўзни бир гапга айлантиради. Бундай телеграф усули сўзнинг залворини орттиради. Ёки "сарғарди" сўзини "сарғайди" тарзида тўғри қўллаганда, оҳанг мулойимлашган, мисралар замиридан келиб чиқадиган фожеий маъно салмоғини йўқотган бўларди. Негаки, сарғайган эмас, балки "сарғар"ган япроқнинг синиши оғриқлироқ кечади. Эришиладиган бадиий самара кўпроқ бўлади. Р. Парфининг турли шеърларидан олинган "*Сўз менинг кўксимга санчилар, ҳайҳот!..*", "*...Менда мажол йўқдир, менда бир сўз йўқ*", "*Завқларга тўлар у, бир сўзни излар...*", "*Лойиқманми Сўзга, билмадим, нетай?*", "*Сочилган соч каби сўзимни айтдим*", "*Қаламдан ўч олдинг, Сўзини ўйдинг*", "*Бир сўз қолди менда, хайр энди*" каби ифодалар СЎЗнинг унга қанчалик эътиборли эканини кўрсатади.

Рауф Парфининг аксар шеърлари — жумбоқсимон. Унда жўн ифода, осон тасвир деярли учрамайди. Шоирнинг "*Креслога ташлаб қўйдим ўзимни*", "*Кўкларга чўкмоқдаман*", "*Қайта ўлиш учун қайта тирилдим*", "*Дарёга лим тўлиб жасадим оқар*", "*Қайга олиб бориб кўмайин, айтгил, Юрагимнинг жасадини кўтариб*" сингари фавқулодда ташбеҳлари ўқувчиларни айнан сирли тарзда ифодаланганлари билан ўзига тортади. Бу ифодалар — эринчоқ ўйли, фикри танбал, на ўзининг ва на ўзганинг руҳиятини тафтиш қилишга хоҳиши бўлганлар учун англанарсиз. Лекин ўз туйғуларини текшира оладиган, жонли фикрлайдиган, хаёлот парвози баланд одамларга муаллифнинг ўю туйғулари англашимли, юқимли. "*Креслога ташлаб қўйдим ўзимни*", дейилганда ўзлиги йўқ қиёфасиз кишининг кийимларини ҳам, танасини ҳам тушуниш мумкин. Чин санъат асари ҳеч қачон ҳаммага бирдай тушунарли бўлмайди. Бир қатламли битикнинг бадииятга унчалик алоқаси йўқ. Санъат ҳамиша сирдир. Маҳоратли санъаткор тасвир пардасининг бир учинигина кўтариб қўйиб, ўқувчини парданинг нарёғидаги нарсаларни кўришга қизиқтиради. Рауф Парфи ана шундай маҳорат эгасидир.

Чин шоир эзгулик манзили сари ёлғиз кетиб бораётган йўловчидир. Йўл — машаққатли, манзил — олис, сафар — ҳоритувчи. Руҳ бардам бўлсагина, сафар қийинчиликларини бартараф этиш мумкин. Рауф Парфининг ўзи айтганидай: "*Адашган йўлчини йўллагил, эй Сўз!*"

**Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ**

## Робита



# АВСТРИЯЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖОД ҚИЛИШЯПТИ

### *Унга ЎзБАТ ҳомийлик қилди*

Британиш-Американ Тобако Ўзбекистон қўшма корхонаси маданий-маърифий ва санъат соҳасида бир қанча дастур ва лойиҳалар асосида иш юритаётганидан кўпчилик хабардор бўлса керак. У жорий йилда Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда тузилган ва ҳозир амалда бўлган "Ягона фазо — Единое пространство" лойиҳасини амалга оширмоқда. Бу лойиҳа Ўзбекистон рассомларини австриялик санъат усталари билан том маънода бирлаштирди, десак тўғри бўлади. Ана шу лойиҳага мувофиқ жорий йилнинг 7 сентябридан 5 нафар таниқли австриялик рассомлар Самарқанд, Бухоро, Навоий, Ғиждувон, Жиззах шаҳар ва туманларида бўлиб, кўрган-кечирганларини расмга солишди.

Уларга Алишер Алиқулов, Валерий Енин, Искра Шин, Марат Содиқов каби ўзбекистонлик рассомлар ҳамроҳлик қилишди. Агар улар ҳамкорликда асарлар ижод қилишди, десак тўғрироқ бўлади.



Бадиий академиянинг кўргазмалар залида ана шу асарларнинг кўргазмаси бўлиб ўтди. Шарқ ва Ғарб рассомчилик услуби ўзаро уйғунлашган бу санъат асарлари томошабинларда ўзига хос қизиқиш уйғотди.

**Шоназар ИБРОҲИМОВ олган суратлар**

